



ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИНГ ТАЪСИРИ

Хажиев Бахтиёр Душабоевич -

и.ф.н. доц. ТДИУ

Маматов Мамажсан Ахматжанович -

(PhD), ТДИУ

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a1

Аннотация. Мақолада миллий иқтисодиётнинг институционал тузилмасини такомиллаштиришида миллий инновацион тизимнинг таъсири тадқиқ этилган. Миллий инновацион тизимнинг схемаси ишлаб чиқилган, тизимдаги институционал тузилмаларнинг функциялари ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ёритилган. Миллий инновацион тизими такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: институционал тузилма, миллий инновацион тизим тақрор ишлаб чиқариш тузилмаси, саноат, хизмат кўрсатиши, технологик уклад, инвестиция, инновация, иқтисодий ўсиш.

ВЛИЯНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ НА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ СТРУКТУРЫ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

Хажиев Бахтиёр Душабаевич -

к.э.н. доц. ТГЭУ

Маматов Мамажсан Ахматжанович -

(PhD), ТГЭУ

Аннотация. В статье исследовано влияние национальной инновационной системы на совершенствование институциональной структуры национальной экономики. Разработана схема национальной инновационной системы, описаны функции институциональных структур в системе и их взаимодействие. Разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию национальной инновационной системы.

Ключевые слова: институциональная структура, национальная инновационная система, воспроизводственная структура, промышленность, услуги, технологии, инвестиции, инновации, экономический рост.

THE IMPACT OF THE NATIONAL INNOVATION SYSTEM ON IMPROVING THE INSTITUTIONAL STRUCTURE OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

Khajiev Bakhtiyor Dushabaevich -

assistant professor TSUE

Mamatov Mamazhan Akhmatzhanovich -

(PhD), TSUE

Annotation. The article examines the impact of the national innovation system on improving the institutional structure of the national economy. The scheme of the national innovation system is developed, the functions of institutional structures in the system and their interaction are described. Proposals and recommendations for improving the national innovation system have been developed.

Key words: institutional structure, national innovation system, reproduction structure, industry, services, technologies, investments, innovations, economic growth.

Кириш. Институционал тузилма (расмий институтлар: қонунлар, қатъий меъёrlар, қабул қилинган қоидалар; норасмий институтлар: ижтимоий нормалар, мафкура; норасмий институтлар фоалиятини тартибга солувчи анъана ва қадриятлар) иқтисодий тизимнинг ривожланиш даражасини белгилайди ва жамиятнинг ривожланиш индикаторидан иборат. Юқори фан сифимли технологиилар салоҳиятига асосланган холда ривожланган мамлакатларнинг моддий-техник базаси ривожланиши истиқболли технологик укладнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил бўлиб, жамиятда ижтимоий фаровонликнинг юқори даражасига олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси хомашё моделига асосланган иқтисодиётининг таркибий тузилмаси, шунингдек, технологияларнинг ҳаётий даври қисқаришида намоён бўладиган илмий ва технологик ривожланишнинг глобал тенденциялари, илмий билимларни жамғариш суръати, юқори фан сифимли технологииларнинг тарқалиш тамойиллари ҳамда институционал муҳитдаги ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасини такомиллаштиришни долзарб қилиб, кун тартибига қўймоқда. Албатта, биз эски тизимни батамом ўзгартириб, ўз олдимизга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Такрор

айтаман, биз ҳар куни изланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, холос [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Миллий иқтисодиётнинг институционал тузилмасини такомиллаштиришда миллий инновацион тизимнинг таъсирини тадқиқ этган олимлар Д.Норт ва Л.Девис, О.Уилямсон, В.Кейбл, Р.Кейли, Г.Маук, Х.Молл, Л.Олви, А.Паттокс, Т.Уильямс, Л.Хофман, Ф.Хэмпсон ва россиялик олимлардан В.В.Вольчик, А.Е.Шаститкон, Меньшиков, Ю.В.Яковец, С.Ю.Глазьев, М.А.Жиронкин, О.Ю.Красильников, ва бошқалар ушбу мавзуга бағишлиланган илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Д.Норт ва Л.Девисга кўра, институционал муҳит асосий сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий қоидалар мажмуи бўлиб, улар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва тақсимот учун баъзис яратади [2]. О.Уилямсон институционал муҳитни иқтисодий фаолият олиб бориладиган контекстни белгилайдиган ўйин қоидалари, деб таърифлайди.

Иқтисодий адабиётларда институционал муҳит ва институционал тузилма тушунчалари кўпинча бир хил деб қаралади. Ушбу категориялар ўртасидаги муносабатлар О.Улямсон томонидан уч даражали схема доирасида аниқланди, унга кўра институционал тузилма шахслар (биринчи даража), институционал битимлар (иккинчи даража) ва институционал муҳит (учинчи даража) ўртасидаги муносабатлардир [3], деб баҳоланди.

Рус олимларининг фикрича, институционал муҳитни фақат мулкий ҳуқуқлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш методологик жиҳатдан нотўғри бўлиб, у иқтисодий фаолият шартшароитларни белгиловчи расмий ва норасмий институтлар мажмуасидир[4]. В.В.Вольчик институционал тузилмани иқтисодий хулқ-атвор матрицаларини яратадиган, хўжалик фаолиятини мувофиқлаштиришнинг муайян тизими доирасида шаклланадиган хўжалик юритувчи субъектлар учун чеклашларни белгиловчи муайян буюртма қилинган институтлар мажмуи [5], деб белгилайди. А.Е.Шаститконинг хulosаларига кўра, институционал муҳит чекланган ресурсларни ажратиш, шунингдек, мавжуд ресурслардан фойдаланиш учун янги имкониятларни аниқлаш ва янги ресурсларни яратиш жараёнини қамраб олган институционал матрицанинг энг муҳим таркибий компонентларидан биридир [6].

Янги иқтисодий муносабатлар тизимида институционал тузилманинг трансформация жараёни ўзбекистонлик олимлар Д.Тожибоева томонидан ҳам кенг тадқиқ этилган. “Рақамли иқтисодиёт фақатгина инсоннинг интеллектуал салоҳияти туфайлигина эмас, балки институционал муҳит яратилиши, бу муҳитнинг бизнес

ва истеъмолчилар амалиёти, иқтисодий агентларнинг ахборот ва коммуникацион компонентлар билан таъминланишининг шакли, усулларни ўзгартиришига таъсир кўрсатиши ҳам муҳим ўрин тутади” [7]. Бу жиҳатдан рақамли иқтисодиётга ёндашиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга берилган таърифларда акс этади.

Ўзбекистонлик олимлардан А.Н.Эркаевнинг фикрича, институционал тузилма трансформацияси экзоген, эндоген омиллар ва комбинацион омиллар таъсирида содир бўлиши мумкин. Экзоген омиллар деганда, ташқи шароитдан келиб чиқадиган омиллар: инқирозлар ва бошқа иқтисодий ҳодисалар, табиий ва иқлимий ҳодисалар тушунилади. Эндоген омиллар институционал ўзгаришларнинг ички сабаблари: иқтисодиётнинг даврий табиати, янги қашфиётлар, технологияларнинг пайдо бўлиши. Комбинацион тавсифдаги омиллар синергетик таъсир орқали институционал тузилмаларга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар мажмуасидир [8].

Бироқ глобализация шароитида миллий иқтисодиётнинг институционал тузилмасини такомиллаштиришда миллий инновацион тизимнинг таъсирини тадқиқ этиш ва уни баҳолашга қаратилган илмий изланишларни олиб бориш тақозо этилмоқда. Бу жиҳатлар илмий иш мавзусининг долзарблиги ва муҳимлигини белгилаб беради ҳамда тадқиқот мавзусини танлаш учун асос бўлди.

Тадқиқот методологияси сифатида ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг миллий иқтисодиёт институционал тузилмасини такомиллаштиришда миллий инновацион тизимнинг таъсири бўйича тадқиқот ишлари асос бўлади. Тадқиқотда илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмасини такомиллаштиришда мамлакатда миллий инновацион тизимни шакллантириш ва уни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Миллий инновацион тизимлар (МИТ), аксарият ҳолларда, технологик укладлар алмашинадиган даврларда шаклланади. МИТ шаклланаётган бошланғич даврда инвестицион фаолият субъектлари ўртасидаги алоқаларнинг яхлит тизими мавжуд бўлмайди. Ушбу алоқаларни йўлга қўйиш ва умумий инвестицион стратегияни ривожлантиришда давлат алоҳида ўрин тутади. Кейинчалик аксарият саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда бўлганидек, ушбу соҳада бизнес етакчи мавқега эга бўлиб боради. Аммо айнан қайси модель у ёки бу МИТ учун самарали бўли-


ши номаълум. Технологик ривожланиш даражасидаги миллий тафовутларни тушунтириш учун С.Меткалф МИТ тушунчасидан фойдаланишини таклиф этди.

Инновацион тизимнинг марказий элементи сифатида инновацион корхоналар ҳамда уларнинг фаолиятининг асосий босқичларини ифода этувчи (молиялаштириш манбаларини излаб топиш, инновацияларни ишлаб чиқиш, сотиш бозорларини излаш) инфратузилмага мансуб давлат, илм-фан ва бизнеснинг кооперациясига имкон берувчи ташкилотларни ҳам ўз ичига олади. “Инновацион-инвестицион жараёнларнинг доимий даврини кўллаб-куватлайдиган шундай институционал тузилемани вужудга келтириш миллий инновацион тизимнинг шаклланиш босқичида муҳим вазифа ҳисобланади. Фақатгина миллий инновацион тизимнинг институционал “каркасини” қуриб олиб, билимлар, технологияларни узлуксиз яратиш, ундан фойдаланиш ва айирбошлаш мумкин” [9].

Тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикаси МИТнинг субъектли-функционал схемаси

маси ишлаб чиқилди. Мазкур схема Ўзбекистонда МИТнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни ўрганишда биринчи қадам ҳисобланади.

Мамлакат инновацион тизимида инновацион фаолият субъекти сифатида давлатнинг ўрнини англаб олиш ўзига хос алоҳида эътиборни талаб этади. Мамлакат инновацион тизимнинг марказида инновацион корхоналар туради. Тизимнинг қолган барча элементлари маълум даражада инновацион корхоналарга боғлиқ бўлиб, бир-бирларига нисбатан иккиёклама алоқадорликда бўлади. Келтирилган МИТ схемасида инновацион корхоналар инновацияларни яратувчи, яъни “яратувчи” корхоналарга ва бу ишланмалардан ўз фаолиятларида фойдаланувчи инновацион-инвестицион корхоналарга ажратилади. Иккинчи тур корхоналари “амалиётчи”лар деб аталади. Чунки корхоналар инновацион тизимда инновацияларнинг ҳаётийлик даврининг барча босқичларида вужудга келиш ва тарқатишни ифода этувчи турли вазифаларни бажаради.



Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

“Амалиётчи” корхоналар агар “яратувчи” корхоналарга ўзлари учун зарур инновацион маҳсулот ва хизматларни буюртма қиласа, у ҳолда уларни “Мижозлар” тоифасига киритиш мумкин бўлади. Ушбу ҳолатда “яратувчи” корхоналар ва мижозлар ўртасидаги алоқалар илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш учун битимлар тузилишини кўзда тутади.

Амалиётчи корхоналар “яратувчи” корхоналарнинг мижозлари бўлмаган ҳолатларда, улар ҳам мижозлар каби ихтиро қилинган инновациялардан фойдаланиш ва уларнинг тарқатилишига бирдек масъул бўлади. Инновацияларнинг тарқатилиши дейилганда, инновацион товарнинг бозор томон ҳаракати эмас, балки инновацион-инвестицион корхоналар яратувчилар меҳнати натижасидан қанча кўп корхоналар фойдаланаётганликларини назарда тутади, табиийки, ушбу вазиятда инновацияларнинг тарқалиш майдони шунча катта бўлади.

Хар қандай инновацион корхона учун кун тартибидаги энг долзарб масалалардан бири, албатта, молиялаштириш манбаларини излаб топиш билан боғлиқ. Молиялаштириш манбалари сифатида кредит муассасалари, фонд бозорлари, венчур фонdlари ва бизнес-фаришталар (business angel) иштирок этишлари мумкин. Инновацион корхоналар молиялаштириш манбаларига пул маблағларидан фойдаланганлик учун ўзига хос ҳақ-тўлов тўлайди. Молиялаштириш манбаи банк бўлган ҳолатларда эса бундай тўлов фоиз ставкаси ҳисобланади.

Бир қатор ҳолатларда, мисол учун, бизнес-фаришталар (business angel) томонидан пул маблағлари инновацион корхоналарга беғараз-беминнат кўринишда берилиши ҳам мумкин. Ушбу ҳолатларда тўлов пул кўринишида эмас, балки бирор-бир номоддий кўринишда, мисол учун, янги корхона яратилиши, ёрдам кўрсатганлик, шунингдек, муваффақиятли фаолият юритаётган корхоналарнинг келгусидаги даромадлари оқимидан қониқиш шаклида бўлиши мумкин.

Инновацион-инвестицион корхоналарнинг ўзлари ҳам ўз маблағлари ҳисобига илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириши ва мустақил равишда уларни бозорга жорий этиши мумкин. Ушбу ҳолатда мижоз сифатида буюртмачилар эмас, балки товар ва хизматларнинг якуний истеъмолчилари тушунилади, чунки корхона фаолиятининг натижаси бўлиб, бошқа бирор-бир маҳсулотнинг таркибий қисми сифатида фойдаланишини назарда тутмайдиган тугалланган пировард маҳсулот ҳисобланади. Агар инновацион корхоналар томонидан мустақил амалга оширилаётган

ва ҳали жорий этиш босқичига ўтмаган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига эътибор қаратадиган бўлсак, у ҳолда уларга нисбатан хатти-ҳаракатлар ҳукуқни ҳимояловчи ҳужжатлар – патент, лицензиялар бериш орқали мулк ҳукуқини ҳимоялаш билан чекланади.

Кредит муассасалари тақдим этилган пул маблағларидан фойдаланганлик учун оладиган тўловларини пасайтириш эвазига инновацион корхоналар фаолиятини рағбатлантириши ва пировардида улар фаоллигини ошириши мумкин.

Инвестициялар ва бошқа мезонлар ўртасидаги бу хил боғлиқликнинг бежиз эмаслиги инвестицияларнинг илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишланмалари натижалари ва уларга йўналтирилган харажатларга функционал боғлиқлигини кўрсатиб турибди[10]. Тадқиқотда давлат томонидан экспортга йўналтирилган товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи тармоқларда протекционистик сиёсатни тартибга солиш, инновацион жараёнларни таъминловчи институционал тизимни такомиллаштириш, лойиҳаларни молиялаштиришда рақобатбардош юқори технологик билимлар иқтисодиёти соҳаларига устуворлик бериш таклиф этилган.

Инновацион лойиҳаларни кредитлаш борасида фонд бозорини кредит муассасалари нинг муқобили сифатида кўрсатиш мумкин. Тадқиқот доирасида амалга оширилган изланишлар натижасида шундай муҳим хуносага келиш мумкинки, инновацион лойиҳаларни кредитлаш борасида юқорида санаб ўтилган икки муқобил ўртасидаги фарқ шундан иборатки, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун фонд бозори етарлича ривожланган бўлиши лозим, зеро, фонд бозори учун доимо юқори хатар ва таваккалчилик даражаси хосдир. Фонд бозорининг ривожланганлиги эса миллий хўжаликнинг халқаро рақобат механизмига кўшилиши билан бевосита боғлиқ. Шу билан бир қаторда, Ф.Агион, Д.Асемоглу ва Ф.Зилиботтиларнинг ўз тадқиқотларида кўрсатишларича, технологик ривожланиш даражаси бирмунча паст бўлган мамлакатларда фонд бозорларининг ёпиқлиги натижасида келиб чиқувчи салбий оқибатлар унчалик ҳам катта эмас [11]. Тараққий этган инновацион тизимларда фонд бозорлари ресурсларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Инновацион тизим ривожланишида молия бозорларининг ўрни катта бўлса-да, айтиш лозимки, инновацион тизимнинг интенсив ривожланишининг зарур ва энг муҳим шартларидан бири хусусий мулк тамойилларини амалда рўёбга чиқаришдир [12]. Ўзбекистон МИТИнинг фаолият моделида хусусий мулк тамойил-

ларини рўёбга чиқариш мулк ҳуқуқини ҳимоялашни ифода этувчи давлат ва инновацион-инвестицион корхоналарнинг ўзаро боғлиқлиги сифатида акс эттирилган. Бунда давлатнинг асосий иқтисодий вазифаси мулк ҳуқуқини алоҳидалаштириш, унинг қонуний кафолатлари, шунингдек, товарлар бозори агентлари ўртасида қонуний битимларни амалга оширишда вужудга келадиган мулк ҳуқуки борасидаги ўзгаришларни ҳимоя қилишдан иборатdir [13].

Ўзбекистон Республикасининг миллий инновацион тизими чизмасида маҳаллий ва марказий давлат бошқаруви органларининг барчаси давлат сифатида тушунилади. Давлат ўзининг асосий иқтисодий вазифаларини бажараётганлиги учун, барча корхоналарда бўлгани каби, инновацион корхоналардан ҳам солиқлар кўринишида тўловлар ундиради. Давлат субвенциялар, грантлар ажратиб, бизнес-инкубаторлар хизматини таклиф эта бориб, инновацион корхоналар фаолиятига кўмаклашади. Давлат, шунингдек, янги иқтисодий хулқ қоидаларини ишлаб чиқиши ёки мавжудларини ўзgartириши ҳам мумкин.

МИТда олий таълим муассасалари инновацион фаолият билан шуғулланса, у ҳолда, у инновацион-инвестицион корхонанинг фаолият шаклларидан бири сифатида мазкур схемада “инновацион-инвестицион корхона” элементида акс эттирилади. Бу таълим муассасасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаришини англатмайди, балки аксинча, таълим муассасаси инновацион тизимда қандай вазифани бажараётганлигини кўрсатиб беради. Мазкур муассасаларнинг асосий функцияси таълим-тарбия фаолияти ҳисобланади (Ўзбекистонда 40 фоиз атрофидаги олий таълим муассасалари илмий тадқиқот ва ишланмаларга жалб этилган) [14], чизмада улар ўзларининг асосий бажарадиган вазифалари бўйича акс эттирилган.

Мазкур моделда инновацион-инвестицион корхоналар билан бир қаторда инновацион тизимнинг ташкил этувчилари бўлган бошқа элементлар билан давлат ўртасида аввалдан мавжуд трансферлар, субсидиялар, давлат харидлари ва қарзлари каби классик ўзаро алоқаларни инкор этмайди. Ушбуга боғлиқ ҳолда айтиш мумкинки, мазкур модель барчага яхши маълум бўлган давлат ва иқтисодиёт (уй хўжаликлари, фирмалар, товар ва хизматлар бозори)нинг ўзаро таъсирлашув моделини тўлдиради.

Агар давлат давлат корхоналари ёки ҳокимият органлари сифатида давлат харидларини амалга ошиrsa, у ҳолда чизма доирасида “мижозлар” элементига мансуб бўлади, чунки давлат мазкур вазиятда инновацион корхоналар учун айнан “мижоз” вазифасини бажаради.

Агар давлат инновацион-инвестицион корхоналарга қарз маблағлари тақдим этадиган бўлса, у ҳолда у “молиялаштириш манбалари” элементига мансуб бўлади. Давлат бундан ташқари инновацион жараёнларда давлат суғурта компаниялари ёки давлат инновацион-инвестицион корхоналари сифатида ҳам иштирок этиши мумкин. Шу тариқа айтиш мумкинки, маълум вақт оралиғида бажарадиган аниқ функцияларига қараб, давлат инновацион тизимнинг турли элементлари сифатида МИТнинг ривожланишида иштирок этади.

Инновацион тизимни таҳдил этар эканмиз, ушбу фаолиятни амалга ошириш таваккалчилик ва хатарнинг юқори даражаси билан тавсифланишини эътиборга олиб, инфратузилманинг алоҳида элементи сифатида суғурта компанияларининг ўрни бекиёсдир. Давлатнинг суғурта бозорини рағбатлантириши инновацион корхоналар ва уларнинг мижозлари фаолияти хатарларини суғурталаш миқдори ошишига олиб келади. Бу инновацион-инвестицион корхоналар ва уларнинг мижозларининг қарздор сифатидаги мавқелари кўтарилади, банк сектори эса бу хил иқтисодий агентларга кредит маблағлари тақдим этишдан юқори даражада манфаатдор бўлади. Ўзбекистон Республикасининг миллий инновацион тизимининг фаолият юритиши чизмасидаги “жамоат ташкилотлари” элементи инновацион-инвестицион корхоналарнинг манфаатларини ифода этади. Улар ўртасида бирмунча машхурлари бўлиб, асосан кичик ва ўрта бизнес вакиллари манфаатларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикаси “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ҳисобланади.

Технопарклар тўғрисида айтиш мумкинки, улар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, олий ўқув юртлари, инновацион-инвестицион корхоналар билан узвий алоқада бўлган ташкилотлардир. Бу уларга маълум бир худудда қулаги инновацион мухитни шакллантириш ва инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш имконини беради. Инновацион-технологик марказлар кадрлар тайёрлаш ва ўқитишни амалга оширади, инновацион корхоналар билан биргаликда тадқиқотлар ўтказади ва шунингдек, уларни дастлабки босқичларда молиялаштиради. Айтилганлардан кўриниб турибдики, инновацион-технологик марказлар инновацион корхоналарни молиялаштириш манбаи ҳам бўлиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, чизмада молиялаштириш манбалари ва мижозларнинг тўлиқ ва мумкин бўлган барча шакллари ҳам келтирilmagan. Масалан, молиялаштириш манбаи сифатида суғурта компанияси ёки пенсия фонди

чиқиши мумкин, лекин бу амалиётда жуда кам учраши сабабли чизмада молиялаштиришнинг бирмунча ишончли манбалари акс эттирилган. Кўрсатиб ўтилган молиялаштириш манбалари ўртасидаги фарқ инновацион фаолият натижаларига эгалик қилишда ифодаланади. Дастраси шаклда инновацион корхоналар мустақил равишда инвестицияларни амалга оширади, молиялаштиришнинг мустақил манбалари эса пул маблағларидан фойдаланганлик учун, асосан, фоиз кўринишида тўлов олади. Иккинчи шаклда эса инновацион фаолият натижаларига эгалик қилиш ҳуқуқи ё биргина мижознинг ўзига, ёки мижоз ва инновацион корхонаяратувчига тегишли бўлади.

Чизмада суғурталашга алоҳида эътибор қаратилиши, инновацион фаолиятни амалга оширишнинг юқори хатарлилиги, шу боис инновацион фаолиятни амалга оширишда суғуртанинг аҳамияти катта эканлиги билан изоҳланади. Мамлакат инновацион тизимининг эгилувчан субъекти сифатида давлатнинг ўрни ёритиб берилиши таклиф этилаётган чизманинг ўзига хослиги ҳисобланади. Давлат мазкур тизимда тизимнинг қолган барча элементларидан тескари алоқани қабул қилиб олувчи элемент сифатида иштирок этади. Ушбу ҳолатлардан давлат инновацион тизимда бажариши мумкин бўлган кўплаб вазифалар, хусусан: мулк ҳуқуқини ҳимоялаш, шахс маданияти ва хулқатвор қоидаларини шакллантириш, субвенциялар бериш ва бизнес-инкубатор хизматларини кўрсатиш, жамоат ташкилотлари, технопарклар ва инновацион-технологик марказлар билан ҳамкорлик қилиш ва шу кабилар келиб чиқади. Шу тариқа, давлат яхлит тарзда мамлакат инновацион тизимини ўзгартириш ва керакли томонга йўналтира олиш имконига эга тизим элементи сифатида майдонга чиқади. Схема субъектлар функциялари ва субъектлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаштиришдаги эгилувчанлиги билан ажralиб туради. Бу ҳолат инновацион тизимнинг бирор-бир субъекти томонидан вақтнинг маълум бир оралиғида бажарилаётган вазифаларга боғлиқ равиша мазкур субъект ёки элементнинг инновацион тизимнинг турли элементларига мансуб бўлиб боришида намоён бўлади.

Таклиф этилаётган моделда давлат яхлит ҳолда мамлакат инновацион тизимига таъсир кўрсатади. Тизимнинг инновацион корхоналар, кредит муассасалари, суғурта компаниялари, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари каби элементларидан давлат тескари алоқа ахборотларини қабул қилиб олади, бу эса давлат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари, уларнинг қанчалик самарали бўлганлигини баҳолаш билан бир қаторда,

кўйилган мақсадларга эришиш борасида яна қандай тадбирлар кўллаш лозимлигини тушуниб олиш ва таҳлил қилиш имконини ҳам беради.

Венчурли инвестициялаш инновацияларни молиялаштириш борасида кредит муассасаларининг муқобили сифатида хизмат қилиши мумкинлигини бугунги кунда тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаси яққол исботлаб турибди. Инновацион инвестициялашнинг мазкур тури таъминот ва гаровсиз амалга оширилади ва у кўпинча ўзида акциялар пакети улушкига айрибошлаш ҳисобига акциядорлик капиталига узоқ муддатли инвестицияларни ифода этади. Инновацион корхоналар тараққиётининг дастраси босқичларида хавф-хатар даражасининг юқори даражада бўлишини эътиборга олган ҳолда, бундай корхоналарни молиялаштиришда венчур фондлар ҳал қилувчи ўрин тутиши мумкин, зеро, бундай фондлар молиялаштирилаётган корхона муваффақиятсизликка учраган тақдирда ҳам бундай йўқотишларга олдин тайёр туради. Ўз-ўзидан аёнки, молиялаштирилаётган корхоналар муваффақиятга эришган тақдирда молиялаштиришнинг бу тури юқори фойда меъёри билан тақдирланади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида миллий инвестицион-инновацион тизимни тақомиллаштириш орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг самарали механизми ни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- инновацион лойиҳаларни кредитлаш борасида фонд бозори кредит муассасаларининг муқобили сифатида бўлиши мумкин. Бироқ фонд бозорлари орқали инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун уларни қимматли қоғозлар, фьючерс ва форвард шартномалари бўйича савдолар амалга ошадиган жаҳоннинг ривожланган фонд бозорлари даражасигача олиб чиқиш ва унда хусусий мулк тамойилларини амалда рўёбга чиқариш учун қатор ташкилий-ҳуқуқий ҳалқаро нормаларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорларини ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш керак;

- давлат суғурта бозорида инновацион корхоналар ва уларнинг мижозлари фаолияти хатарларини суғурталashi мумкин. Бу инновацион корхоналар ва уларнинг мижозлари қарздор сифатидаги мавқелари ошишига олиб келади. Натижада бундан банк сектори инновацион корхоналарга кредит маблағлари тақдим этишдан юқори даражада манбаатдор бўлади;

- технопарклар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, олий ўқув юртлари,

инновацион корхоналар билан узвий алоқада бўлган ташкилотлардир, бу эса уларга маълум бир худудда қулай инновацион мұхитни шакллантириш ва инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш имконини беради;

• инновацион-технологик марказлар кадрлар тайёрлаш ва ўқитишни амалга оширади, инновацион корхоналар билан биргалиқда тадқиқотлар ўтказади, шунингдек, уларни дастлабки босқичларда молиялаштиради. Демак, инновацион-технологик марказлар инновацион корхоналарни молиялаштириш манбай ҳам бўлиши мумкин;

• давлат миллий инновацион тизимининг барча элементларидан тескари алоқани қабул қилиб олувчи сифатида қўплаб вазифалар, хусусан: мулк ҳуқуқини ҳимоялаш, шахс маданияти ва хулқ-атвор қоидаларини шакллантириш, субвенциялар бериш ва бизнес-инкубатор хизматларини кўрсатиш, жамоат ташкилотлари, технопарклар ва инновацион-технологик марказлар билан ҳамкорлик қилиш ва шу каби вазифаларни бажаради. Шу тариқа давлат яхлит тарзда мамлакат инновацион тизимини ўзгартириш ва керакли томонга йўналтира олиш имконига эга ягона тизим элементи сифатида майдонга чиқиши керак.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳарририга берган интервьюси.
<https://daryo.uz/k/2021/08/17/>
2. Davis L., North D. *Institutional Change and American Economic Growth.* – Cambridge, 1971. Pp. 5-6.
3. Уильямсон О.И. Экономические институты капитализма. Фирмы, рынки, «отношенческая» контрактация. – СПб.: Лениздат, CEVPress, 1996. С. 688.
4. Климович М.А. Институциональная среда и её трансформационный потенциал в условиях новой технологической революции. // Экономика и управление инновациями, 2019. № 1. С. 19.
5. Вольчик В.В. Институциональная и эволюционная экономика. – Ростов н/Д: Изд-во ЮФУ, 2011. С. 23.
6. Шаститко А.Е. Институциональная среда хозяйствования в России: основные характеристики. // Куда идет Россия? Кризис институциональных систем: Век, десятилетие, год. – М.: Логос, 1999. С. 201.
7. Тожибоева Д. Рақамли иқтисодиёт институционал назариянинг янги ўйналиши сифатида. // "Иқтисод ва молия" журнали, 2021, 1-сон. 95-б.
8. Эркаев А.Н. Ялпи ички маҳсулотнинг тармоқ таркиби ва уни белгиловчи омиллар. // "Иқтисодиёт ва таълим" журнали, 3-сон. 2015 йил. 21-б.
9. Турсунходжаев М. Развитие национальной инновационной системы как инструмент повышения конкурентоспособности и диверсификации экономики Узбекистана. Основные направления дальнейшей модернизации и повышения конкурентоспособности национальной экономики. VII Форума экономистов. – Т.: ИПМИ, 2015. С. 104.
10. Балдин К.В., Передеряев И.И., Голов Р.С. Инвестиции в инновации. Учебное пособие. – М.: Дашковик, 2008. С. 129.
11. Aghion P., Acemoglu D., Zilibotti F. Distance to frontier, Selection, and, Economic Growth [Электронный ресурс]. // Economics.harvard.edu: Harvard University Department of Economics. 2007 year.
12. Радыгин А.Д., Энтов Р.М. В поисках институциональных характеристик роста. // Вопросы экономики, 2008. № 8.
13. Хуррамов А.Ф. Қишлоқ ҳужалигида мулкий муносабатлар ва уларни ривожлантириш ўйналишлари. Монография. – Т.: Фан ва технологиялар, 2008 й. 39-б.
14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан ҳисобланган ва эълон қилинган маълумотлар.



САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

**Набиева Саидахон Абдуваҳабовна -
Тошкент давлат техника университети
доценти (PhD)**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a2

Аннотация. Замонавий иқтисодий назарияларнинг деярли барчасида инновациялар иқтисодий ривожланишининг манбай сифатида тан олинган. Шунга кўра инновацион салоҳият нафақат алоҳида иқтисодий субъектнинг, балки бутун бир тизимнинг ҳам ривожланишини таъминловчи алоҳида асосий ўсиш манбай ҳисобланади. Мақолада бугунги кунда саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантириши механизмларини тақомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Таянч иборалар: инновацион салоҳият, инновацион салоҳиятни баҳолаш, рағбатлантириш, технологиялар, тақомиллаштириш, механизм.